

Жимоъдан сўнг озгина бўлса ҳам бавл қилиш керак, дейишади.

18:42 / 26.04.2016 4239

САВОЛ: Жимоъдан сўнг озгина бўлса ҳам бавл қилиш керак, дейишади. Баъзи одамлар ғусл қилинадиган жойга бавл қилишади. Баъзилар ташқарига чиқиб бавл қилишади ва кейин ғуслгоҳга келиб ғусл қилишади. Саволим шуки, ғуслгоҳда бавл қилиш мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мумкин эмас. Шамол турган тарафга, сувга, қабристонга, йўлга, одамлар дам оладиган жойларга, ердаги ёриқ ва тешиқларга, меваси бор дарахтнинг тагига ва ғусл қиладиган жойига сийиб бўлмайди. Булар ҳақида ривоятлар бор. Валлоҳу аълам.